

Х У К М

2024 йил 10 январь куни жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Арапов, А.Толиповнинг котиблигида, Қўштепа туман прокурори катта ёрдамчиси Н.Азимов, судланувчи М.Қодирова ва жабрланувчи Т.Қосимовларнинг иштирокида, М.Қодировага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми “и” банди билан 1-1512-2301/258-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи: Қодирова Мадинахон Давронбек кизи, 1997 йил 25 апрель куни Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта-махсус, уй бекаси, мукаддам судланмаган, Фарғона тумани, Янги аср м.ф.й., Янги аср кўчаси, 146-уйда рўйхатда туриб, Фарғона тумани, Янги аср м.ф.й., Янги аср кўчаси, 1-уй 2-хонадонда яшайди, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2023 йил 30 ноябрь куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара, химоя ва охириги сўзларини тинглаб, дастлабки тергов ва судда йиғилган далилларни тўла текшириб ва ҳолисона баҳолаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Қодирова Мадинахон Қосимов Тўлқин билан шаърий никоҳ асосида турмуш қуриб, бир рўзгор асосида биргаликда яшаб келиб, 2023 йил 11 август куни соат 18ларда, Т.Қосимовнинг Қўштепа тумани, Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғини, Муллақайрағоч кўчаси, 8-уйда жойлашган хонадонидан у билан ўзаро оилавий келишмовчилик замирида жанжаллашиб, жанжал давомида Т.Қосимовни елка қисмига ошхона пичоғини бир марта қасдан санчиб ўртача оғир шикаст етказган.

Суд-тиббий экспертizasининг 2023 йил 25 августдаги 2865-сонли ҳулосасида, Т.Қосимовда кўкрак қафаси чап томони олди юзасини кўрак қафасига тешиб ўтмаган, нисбатан чуқур жойлашиб, маҳаллий мушакларни жароҳатланган санчиб кесилган яраси, ярага бирламчи жароҳатлик ишлови берилиб, мушаклар, юмшоқ тўқималари тикилганидан кейинги ҳолати



аниқлангани ва бу тан жарохати ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига кириши қайд этилган.

Судланувчи М.Қодирова судда, эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроп бўлиб, 2018 йилда Ахмадқулов Аброрга қонуний асосда турмушга чиқиб 2 нафар фарзандли бўлгани ва 2023 йил март ойида оилавий келишмовчилик сабабли ажрашиб кетгани, 2023 йил май ойида Фарғона туманидаги кийим-кечак дўконидан Қосимов Тўлқин кийим-кечаклар сотиб олиб шу тариқа у билан яхши муносабатда бўлиб кетгани ва уни ёқтириб қолиб 2023 йил июль ойида Т.Қосимов яшаш уйига бир муллани олиб келиб шаърий никоҳ ўқитишгани, шундан сўнг Т.Қосимов яшаш уйига келиб кетадиган ва фарзандларини хабар олиб турадиган бўлгани, Т.Қосимовнинг яшаш уйида оиласи ва фарзандлари борлигидан хабардор бўлиб, бу ҳолат ёқмай Т.Қосимовдан узоқлашиш учун ўзининг ота-онасини уйига кетиб юборгани, Т.Қосимов уни қидириб ота-онасини уйига бориб ота-онаси билан жанжаллашгани, бу вақтда қонуний турмуш ўртоғи А.Ахмадқулов билан ярашиб у билан алоқа ўрнатаётган бўлгани, 2023 йил 11 август куни Т.Қосимов уни қидириб, онасини олдига бориб, онаси билан жанжаллашганида онаси Қорабоева Одинахон унга телефон қилиб бу ҳақида айтгани, шу куни тушликдан сўнг ўз ишлари билан Фарғона шаҳар марказида юрганида Т.Қосимов телефон қилиб “қаерда юрибсан, кимнинг тагида ётибсан” деб ҳақорат қилгани, бундан жаҳли чиқиб Т.Қосимовни қидириб йўловчи “Матиз” русумли автомашинада уни уйига боргани, йўлда кетаётган вақтда Т.Қосимовни маҳалла профилактика инспекторини чақириб қўйгани, бу вақтда шаърий турмуш ўртоғи Т.Қосимов расмий турмуш ўртоғи А.Ахмадқуловга телефон қилиб уни никоҳига олган эканини айтгани, Т.Қосимовни яшаш уйи олдида турганида бир аёл чиқиб унга “синглим бу ерда тўпалон қилманг, уйга юринг” деб яшаш уйига олиб кетгани, орадан бироз вақт ўтиб улар турган жойга Т.Қосимов ва ИИБ ходими Фахриддин келгани ва Т.Қосимов унга ташланиб уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани, шунда уни жаҳли чиқиб унинг юзига қўли билан шапалоқ ургани, у хам уни юзига қўли билан ургани, шунда ИИБ ходими Фахриддин уларни ажратиб ўзини ИИБ бўлимига олиб кетгани, Т.Қосимовга эса жавоб бериб юборгани, ИИБ бўлимида Фахриддин такси чақириб бергани, орадан бироз вақт ўтиб улар турган жойга таниши Сарвар ўзининг “Нексия-2” русумли, 40 К 720 ОА давлат белгили автомашинасида келгани, уни автомашинасига ўтириб Т.Қосимовни яшаш уйига борганида Дилфуза опа гаплашиб олишни айтиб уйига олиб кириб кетгани, Сарвар эса автомашинасида қолгани, ховлига кириб Дилфуза опага “опа эрингизни йиғиштириб олинг, мени ўзимни эрим билан яшашга йўл қўймайбди” деганида Дилфуза опа Т.Қосимовга телефон қилиб уни уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, “уйга етиб кел, хотининг келди” деб чақиргани, шундан сўнг Т.Қосимов ховлига кириб келиб, унга қараб “ха жалаб, нимага мени уйимга келдинг, нима учун ўйнашинг билан келдинг” дегани, шунда Дилфуза опа эрига қараб “нимага бу қизни талоғини бермаябсан, эри билан яшамокчи экан” деганида Т.Қосимов стол устида турган пиёладаги чойни Дилфуза опага сепиб юборгани, буни кўриб Т.Қосимовни ўз турмуш ўртоғига бундай қилгани учун жаҳли чиқиб кетгани ва стол устидаги шиша



идишдаги сувни Т.Қосимовга сепиб юборгани, Т.Қосимов ўрнидан туриб уни юзига қўли билан муштлаб урганида ерга йиқилгани ва бундан жажли чиқиб Т.Қосимовнинг кўрқитиш ва ўзини химоя қилиш мақсадида стол устида турган ошхона пичоғини олиб “қоч” деб бақиргани, Т.Қосимов унга яқин келиб ташланиб қўлидаги пичоқни олиб қўйгани, кейин Т.Қосимов уни сочидан ушлаб тортиб сумкасини ичидаги телефонни олиб оёғи билан эзиб пачоқлангани, фуқаролик паспортини ҳам йиритиб юборгани, ташқарига чиқиб кетганида ортидан қувиб чиқиб Сарварни “Нексия” русумли автомашинаси ойналарини ҳам синдириб юборгани, шулар сабабли уни елкасига пичоқ суқиб олганида кўкрагидан қон оқишни бошлагани, шунда Сарвар Т.Қосимовни “Дамас” автомашинага чиқариб Лангар шифохонасига олиб кетгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари етиб келишиб ундан ҳолатни сўрашганида айтиб бергани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Қодированинг айби унинг иқдорлик кўрсатувидан ташқари қуйидаги далиллар билан, жумладан:

- жабрланувчи Т.Қосимовнинг судда. 2023 йил май ойи бошларида Фарғона тумани, Миндонобод маҳалласида жойлашган боғлардан гилос, ўрик меваларини дехқонлардан сотиб олиб юрган вақтда ўша ерда жойлашган кийим-кечак дўконига ўзи учун кийим сотиб олиш учун кириб Қодирова Мадинахон билан танишиб, у билан яхши муносабатда бўлиб юргани, шунда М.Қодирова унга пул тикса савдодан яхши пул қолишини айтганида таклифига рози бўлиб М.Қодировага 1.700 АҚШ доллари бергани, кейин у билан бирга Қўқон шаҳридаги кийим-кечак бозорига бориб, кийимлар ҳарид қилиб, савдо дўконга олиб келиб сотишни бошлагани, М.Қодирова билан яхши муносабатда бўлиб уни фарзандларини ҳам ёқтириб қолгани ва шу тариқа М.Қодировани Фарғона тумани, Миндонобод маҳалласида жойлашган ховли уйига бориб турадиган бўлгани ва бир неча марта ўзининг хоҳиши билан жинсий алоқада бўлгани, М.Қодирова билан юришини унинг ота-онаси билгани, лекин ўзининг оила аъзолари билмагани, 2023 йил 11 август куни соат 11:30ларда М.Қодировани онаси Фарғона шаҳридаги шифохонада ётганлиги сабабли уни кўриш учун бориб, онасидан М.Қодировани сўраганида бироз олдин келиб кетганини айтгани, сўнг шифохонадан чиқиб М.Қодировани 99-280-74-71 рақамига бир неча марта кўнғироқ қилгани, лекин у телефонга жавоб бермагани, кейин ўз ишлари билан кетиб соат 16ларда М.Қодировани фарзандлари Сайдинхон ва Мухаммадқодирларни олиш учун Миндонобод маҳалласидаги боғчага борганида оқ рангли “Спарк” русумли автомашина келиб тўхтамай ўтиб кетгани, шунда автомашинада М.Қодировани кўриб, кун давомида телефонига жавоб бермагани сабабли жажли чиқиб, ушбу автомашина ортидан таъқиб қилиб боргани, лекин ета олмагани, сўнг яна қайтиб боғчага келиб тўхтагани, шунда М.Қодирова унга кўнғироқ қилиб “дадаси болаларни боғчадан олинг, мен кеч қолябман” деганида “келавер сен билан гаплашаман” деб унга танбех бергани ва унга болаларини боғчага бериб қўйиши ва яшаш уйига кетишини айтиб, болаларни боғча опасига топшириб, М.Қодировани онасининг олдига қайтиб бориб унга “қизингизга тарбияни зўр берган экансиз ушлаб олдим” дегани ва яшаш уйига кетгани, уйига



борганида ховлисини олдида М.Қодирова ва махалла ИИБ профилактика инспектори Фахриддин турган экани, уларни олдида борганида кутилмаганда М.Қодирова шаплоқ уриб юборгани, Фахриддини бу холатни кўриб уни ажратиб, уришмаслигини айтиб махалла идорасига олиб кетгани, кейин махалладан чиқиш жойига чиқиб ўтирган вақтида, турмуш ўртоғи Қосимова Дилфузани рақамидан М.Қодирова телефон қилиб “келинг мен сизни уйингизда ўтирибман” дегани, шунинг учун уйига қайтиб борганида ховлини олдида унга нотаниш бўлган Жумабоев Сарварбек ўзини “Нексия-2” русумли автомашинасида ўтурганини кўриб ундан “кимсан, бу ерда нима қиябсан” деб сўраганида “опамни олиб келдим, кутиб турибман” дегани, ховлига кириб М.Қодировадан хайдовчи С.Жумабоевни ким эканини сўраганида таниши эканини айтгани, М.Қодирова ундан “Асал, Наргиза ким” деб сўрагани, бу вақтда унинг қўлида пичоқ бўлиб турмуш ўртоғи Дилфуза қўлидаги пичоқни олиб қўйгани, шунда ташқаридан хайдовчи С.Жумабоев кириб келгани, турмуш ўртоғи Д.Қосимова уни сенсираб хурмастиклик қилиб юборганида М.Қодировани жахли чиқиб стол устида турган шишадаги сувни унга сепиб юборгани, шундан сўнг М.Қодировани ушлаб кийимларини йиртиб юборгани, шунда М.Қодирова пичоқни пастдан олиб унга урмоқчи бўлганида С.Жумабоев уларни ажратиш учун ҳаракат қилгани, лекин М.Қодирова қўлидаги пичоқни чап елка пастига санчиб олгани ва қочиб чиқиб кетгани, М.Қодировани ортидан қувлагани, лекин олган жарохати сабабли чарчаб ета олмагани, лекин кўчада турган С.Жумабоевни “Нексия-2” русумли автомашинаси ойнасини пачоқлаб юборгани, сўнг холдан тойиб ўтириб қолгани, шунда уни шифохонага олиб келишгани, шу билан шифохонада 10 кун даволангани, моддий ва маънавий зарарларни ундиришдан ихтиёрий воз кечиши, лекин судланувчи М.Қодировога нисбатан қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги;

- гувоҳ Д.Қосимовнинг судда, судланувчи Т.Қосимов қонуний турмуш ўртоғи экани, 2023 йил 11 август куни тушдан сўнг яшаш уйи олдида турганида нотаниш кейинчалик таниган Қодирова Мадинахон “Нексия-2” русумли автомашинада олдида келиб, унга “Дилфуза опа тўхтанг, сизга гапим бор” дегани, кейин биргаликда ховлисига кириб келиб “эрингизни чақиринг, мен Тўлқин акани хотини бўламан” дегани, бу гапларни эштиб тушқинликка тушиб қолгани, кейин турмуш ўртоғи Қосимов Тўлқинжонга телефон қилиб “уйга келинг” деб чақиргани, турмуш ўртоғи Т.Қосимов етиб келганида М.Қодирова турмуш ўртоғи Т.Қосимов билан ўзаро гап талашини бошлагани, турмуш ўртоғи “нима учун келдинг, мен сени кетказиб юборган эдимку” дегани, М.Қодирова эса стол устида турган пичоқни қўлига ушлаб олгани, у М.Қодировани пичоқ билан бирор ходиса қилиб ташламасин деб қўлидаги пичоқни олиб қўйгани ва бундан жахли чиқиб турмуш ўртоғи Т.Қосимовга “кетказиб юбор” деб гапиргани, шунда М.Қодирова стол устида турган ярим литрли шиша идишдаги сувни турмуш ўртоғи Т.Қосимовни юзига сепиб юбориб “опага бундай гапирма” дегани, шунда М.Қодирова ўтирган стол орқага йиқилиб кетгани ва уни остида бўлган пичоқ ерга тушиб кетгани, М.Қодирова буни кўриб дархол пичоқни қўлига олгани ва турмуш ўртоғи Т.Қосимов билан М.Қодировалар ўзаро жанжаллаиб кетишгани, ўзи набираси кўрқиб кетмаслигини ўйлаб уни хонага



олиб кириб қўйиб ортига қайтиб чиққанида дарвозахонада М.Қодировани уст-боши қон бўлиб турганини кўргани, буни кўриб ундан “нима қилиб қўйдинг” деб сўраганида “эрингизни пичоқлаб қўйдим” дегани, шунда дарвозахона олдида турмуш ўртоғи Т.Қосимовни кўкрагидан қон оқаётганини кўриб, турмуш ўртоғини ўтказиб, эғнидаги устини ечганида елкасини пастига пичоқ суқилган экани, буни кўриб ўзини йўқотиб қўйгани, сўнг овсини С.Қосимова турмуш ўртоғи Т.Қосимовни шифохонага олиб кетгани ҳақидаги;

- гувоҳ С.ҚосимоваНИ судда, гувоҳ Д.Қосимованинг кўрсатувини тасдиқлаши ҳақидаги;

- гувоҳ С.ЖумабоевНИНГ судда, “Нексия-2” русумли автомашинасида таксичилик билан шуғулланиши, 2023 йил 17 август куни 18:30ларда фирма томонидан эфирга Қўштепа туманидан Фарғона шаҳар йўналиши бўйича йўловчи борлиги ҳақида маълумот келиб тушгани, ушбу буюртмани қабул қилиб мижоз турган манзил яъни Қўштепа тумани, Нурафшон маҳалласи идорасига етиб боргани, у ерда унга таниш бўлган Қодирова Мадинахон автомашинага ўтириб бир уйга олиб кириб чиқишни сўраб йўл кўрсатгани, унинг кўрсатмаси билан ҳаракатланиб бир уй олдида автомашинани тўхтатганида М.Қодирова автомашинадан тушиб ушбу уйга кириб кетгани, бироздан сўнг у турган жойга оқ рангли “Дамас” русумли автомашина келиб тўхтаб, ундан хайдовчи тушиб “бу ерда нима қилябсан” деб сўрагани, унга такси экани ва мижозини кутиб турганини айтгани, у одам “бу ердан кет, яхши иш бўлмайди” деганида унга “бу опам бўлади, Достоннинг синглиси” деб айтгани, сўнг Т.Қосимов ичкарига кириб кетгани, кейин ўша уйдан бақир-чақир овози эштилгани, буни эштиб уй ичига кирганида Т.Қосимов М.Қодировани кўллари билан ураётган экани, дархол уларни олдида бориб ажратиш учун ҳаракат қилгани, ўша вақтда ховлига киришда ўртадаги 4 кишилиқ стол устида пичоқ турган бўлгани, уни М.Қодирова кўлига олиб Т.Қосимовга ташланганида уришмаслигини айтиб уни бошқа томонга тортгани, М.Қодирова кўлидан чиқиб кетиб кўлида бўлган ошхона пичоғини Т.Қосимовни чап томонига санчиб олгани ва қочиб кетгани, Т.Қосимов уни кувиб ташқарига чиққани, шунда ИИБнинг “102” рақамига қўнғироқ қилиб ИИБ ходимларини чақиргани, ўша вақтда Т.Қосимов “Нексия-2” русумли автомашинасини олд ойнаси ва икки ёнидаги орқани кўрсатувчи ён ойналарини тегиб синдириб юборгани ва бироздан сўнг Т.Қосимов олган тан жароҳати сабабли ерга ўтириб қолгани, шунда М.Қодирова билан бирга уни ўзининг “Дамас” русумли автомашинасига чиқариб Лангар шифохонасига олиб боргани ҳақидаги кўрсатувлари;

- шунингдек, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш баённомалари, суд-тиббий ва суд-криминалистик экспертизалари хулосаси ва бошқа далиллар билан тўлиқ исботланди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Қодированинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми “и” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, у шаърий йўл билан турмуш қуриб бир рўзғор асосида биргалида яшаб келаётган Т.Қосимовга совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ошхона пичоғини ишлатиб қасддан ўртача оғир шикаст етказган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 54-моддасида эса Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Қодировага нисбатан жазо тайинлашда, юқорида қайд этилган Қонун талаби ва Пленумнинг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахсини эътиборга олиб, унинг аёл кишилиги, муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва қармоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этиб, унга у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, жиноят иши бўйича ашъвий далил тариқасида олиниб Қўштепа туман ИИБ далилий ашёлар хонасида сақланаётган бир дона ёғоч сопли ошхона пичоғи йўқ қилиниши ва бир дона “Samsung” русумли уяли алоқа воситаси эгаси М.Қодировага қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб,

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

Қодирова Мадинахон Бажонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Қодировага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми “и” бандига асосан Фарғона тумани, Янги аср маҳалла фуқаролар йиғини, Янги аср кўчаси, 1-уй 2-хонадонда жойлашган яшаш уйдан у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> га қадар чиқишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унинг зиммасига:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Фарғона вилоят ҳудудидан чиқмаслик;



- кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиш мумкин бўлган буюмларни ўзида сақламаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

Жазони ижро қилиш Фарғона туман ИИБ ПГ зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

М.Қодированинг муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Қўштепа туман ИИБ далилий ашёлар хонасида сақланаётган бир дона “Samsung” русумли уяли алоқа воситаси эгаси М.Қодировага қайтарилсин.

Қўштепа туман ИИБ далилий ашёлар хонасида сақланаётган бир дона ёғоч сопли ошхона пичоғи йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

(имзо)

Р.Арапов

Нусхаси аслига тўғри:

Р.Арапов

**Маъсул судья: Арапов Рахматжон Эргашович**

